

Араб дунёси Рамазондан кейинги кунга тайёргарлик кўрмоқда



09:00 / 09.04.2021 1721

Олти араб мамлакати муборак Рамазон ойида масжидларда таровеҳ намозини ўқишга рухсат беради, учтаси коронавирус пандемияси сабабли тунги намозни тақиқлашни давом эттиради.

Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Қувайт, Ироқ, Миср ва Жазоир Рамазон ойида масжидларда беш вақт намоз ўқишга, жума хутбаларига ва таровеҳга рухсат беришларини эълон қилди.

Қатар, Уммон ва Иорданияда таровеҳ намозлари Рамазон ойида масжидларда ўқилмаслигини эълон қилди.

28 март куни Саудия Арабистони ҳукумати масжидлар барча намозларга очиқ бўлишини, шунингдек, Etamarna мобил иловасида рухсат олганлар учун Маккадаги масжидда ифторлик тарқатилишини эълон қилди.

Қувайтда қисман комендантлик соати Рамазон ойида маълум вақт кучга киради ва таровеҳ маҳалла масжидларида ўтказилади, дейилади Ислом вазири баёнотида.

Бирлашган Араб Амирликларининг Ислом ишлари ва вақфлар бўйича Бош бошқармаси 17 март куни таровеҳ намози учун 30 дақиқалик чеклов эълон

қилган. Масжидларда ва уларнинг ҳовлисида ифторлик тақиқланган. Кейинчалик бўлим Рамазоннинг сўнги 10 кунда қарор қабул қилади.

7 апрель куни Қатар Вазирлар Кенгаши коронавирус тарқалиши сабабли уйда таровеҳ ўқиш шарти билан Рамазон ойида кундалик ва жума намозлари учун масжидларни очишни давом эттиришга қарор қилди.

Ёпиқ жойларда оммавий йиғилишларнинг олдини олиш ва жума ва шанба кунлари жамоат бозорларини ёпиш каби чоралар билан бир қаторда давлат идораларида ва хусусий секторда ишчилар сони 50% гача қисқартирилади.

Уммон ҳукумати 5 апрелда бизнесни тақиқлашни эълон қилди ва Рамазон ойида 21:00 дан 4:00 гача комендантлик соати жорий этди. Қарорда таровеҳни масжидларда ўтказиш, Рамазонда барча йиғилишларни, ижтимоий, спорт, маданий ва бошқа гуруҳ тадбирларини тўлиқ тақиқлаш ҳам тақиқланади.

28 март куни Иордания ҳукумати масжидларда кундалик намозлар, таровеҳ ва жума намозларини тақиқлашга қарор қилди, жума кунлари эса комендантлик соати тўлиқ бўлади.

Хуршид Маъруф тайёрлади